

IQTISODIY TADQIQOTLAR
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,
ECONOMIC RESEARCH

ILMIY JURNALI

1
2021

**TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT
UNIVERSITETI**

“IQTISODIYOT” FAKULTETI

**IQTISODIY TADQIQOTLAR
(ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,
“ECONOMIC RESEARCH)**

ILMIY JURNALI

1

2021

Toshkent

**1
2021**

**Elektron ilmiy jurnal
Научный журнал
Scientific magazine**

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY
JURNALI**

MUASSIS

Toshkent davlat iqtisodiyot
universiteti

Tahrir kengashi raisi:

Abduraxmonov Qalandar Xodjayevich – i.f.d., prof.,
akademik

Tahrir kengashi:

Eshov Mansur Po'latovich- i.f.d., professor
Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna – i.f.d., professor
Xudoyqulov Sadriddin Karimovich – i.f.d., professor
Begalov Baxodir Abdusalovich– i.f.d., professor
Bekmurodov Adxam Sharipovich- i.f.d., professor
Vaxabov Abduraxim Vasikovich- i.f.d., professor
Maxmudov Nosir Maxmudovich- i.f.d., professor
Salimov Baxtiyor Tadjiyevich- i.f.d., professor
Mustafaqulov Sherzod Igamberdiyevich- i.f.d., professor
Jumayev Nodir Xosiyatovich- i.f.d., professor
G'ofurov Ubaydullo Vaxabovich- i.f.d., professor
Xolmo'minov Shayzaq Raxmatovich- i.f.d., professor
Amirov Lochinbek Fayzullayevich – i.f.n., PhD
Xatamov Ibodullo Sadullayevich – i.f.n., dosent
Asqarova Mavluda Turopovna– i.f.n., dosent
Xajiyev Baxtiyor Dushaboyevich– i.f.n., dosent
G'ayibnazarov Sanjar Baxodirovich – i.f.n., dosent
Kamalova Malika Nizamovna– i.f.n., dosent
Mamaraximov Begzod Erkinovich- i.f.n., dosent

Tahrir hay'ati:

Begzod O'rinov– (AQSh)
Uktam Burxanov – (Chexiya)
Bozorboy Berkinov – i.f.d. (O'zbekiston)
Mark Rozenbaum (AQSh)
Wolfgang Lukas (Germaniya)
N.V.Morozov (Rossiya)
Viktoriya Vdovichenko (Ukraina)
Gulyabmir Raxmani (Afg'oniston)
Axmed Muxamed Aziz Ismail (Misr)
Kaukab Azim (Saudiya Arabistoni)
Sherqul Shodmonov (Toshkent)
Rauf Salaxodjayev (Toshkent)
Axmedjon Mamatov (Toshkent)
Ju Jengron (Xitoy)
Jou Chingjiye (Xitoy)

© ISSN 2181-4457

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY
JURNALI**

**1
2021**

**Elektron ilmiy jurnal
Научный журнал
Scientific magazine**

Bosh muharrir:

Eshov M.P.- i.f.d., prof.

Adabiy muharrir

Xajiyev B.D.- i.f.n., dots.

Bosh muharrir o'rinbosari

Amirov L.F. - PhD

Musahhih:

Jurnal sahifalarida chop etilgan materiallardan foydalanilganda "Iqtisodiy tadqiqotlar" ilmiy jurnalidan olindi deb ko'rsatilishi shart. Tahririyat taqdim etilgan maqolalarni taqriz qilish va qaytarish majburiyatini olmagan. Maqolada keltirilgan dalillar va ma'lumotlar uchun muallif javobgar.

Veb-sayt manzili: <https://economicresearch.tsue.uz>

E-mail: economicresearchjournal@gmail.com

MUNDARIJA

IQTISODIYOT, INNOVASIYA VA TADBIRKORLIK NAZARIYA VA AMALIYOT		
Xajiyev B.D.	Milliy iqtisodiyotda daromadlar taqsimoti adolatliligini ta'minlashning konseptual asoslari	5
Mamatov A.A. Erkayev A.N.	O'zbekiston iqtisodiyotini transformasiyalashuvi jarayonida investision mexanizmning roli	13
BARQAROR IQTISODIY RIVOJLANISH: MAKROIQTISODIY YONDOSHUV		
Maxmudov N.	Innovatsion faoliyatning asosi – intellektual salohiyat	24
Amirov L.F.	O'zbekistonda qishloq xo'jaligi sohasini rivojlantirish muammolari	33
INSON RESURLARINI BOSHQARISH, IJTIMOIIY SIYOSAT VA BANDLIK		
Goyipnazarov S.B., Saidov N.R., Yuldoshev S.	Human capital and methodological aspect of calculating it: a global approach	45
Irmatova A.B., Isamuxamedov B.B.	O'zbekistonda kambag'allik holatining tahlili	57
Qosimov A.A.	Mehnat bozorining rivojlantirish va aholi bandligini ta'minlash yo'llari	72
TARMOQLAR IQTISODIYOTI VA REAL SEKTORNI KOMPLEKS RIVOJLANTIRISH		
Salimov B.T., Salimov B.B.	Kichik va o'rta biznesni innovasion rivojlantirish	81
Yusupov M.S., Ismoilova G.T.	Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash tizimini rivojlantirish mexanizmlari	86
Salimov Sh.B.	Kichik va o'rta biznesda innovasion faoliyatni rivojlantirish	103
TILSHUNOSLIK VA PEDAGOGIKA: ILM-FAN RIVOJLANTIRISH YULLARI, MUAMMOLAR, TAXLIL VA NATIJA		
Muhitdinova M.S.	Muqimiy ijodining yetakchi xususiyatlari	109
Kamalova M.N.	Модернизация системы языковой подготовки студентов неязыковых вузов Узбекистана	124
Xolmatova Sh.M.	Профессиональная компетенция в процессе преподавания русского языка как иностранного	131

**TARMOQLAR IQTISODIYOTI VA REAL SEKTORNI KOMPLEKS
RIVOJLANTIRISH**

**КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ**

ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ МАЛОГО И СРЕДНЕГО БИЗНЕСА

**INNOVATIONS DEVELOPMENT OF SMALL AND MEDIUM
BUSINESS**

Салимов Бахтиёр Таджиевич, Тошкент давлат иқтисодийёт университети,
и.ф.д., проф.

Салимов Баҳодир Бахтиёрлович, Тошкент давлат транспорт
университети, фалсафа фанлари доктори, (PhD)

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон шароитида кичик ва ўрта бизнесда имитацион инновациялардан фойдаланишнинг шарт-шароитлари, хусусиятлари кўрилган. Иммитацион инновацияларнинг устун томонлари очиб берилган. Худудларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, аниқланган интеграл индекслар ёрдамида таҳлил қилинган. КУБ ни худудлар бўйича инновацион ривожланиш имкониятлари аниқланган.

Калит сўзлар: Кичик бизнес, ўрта бизнес, инновация, имитацион инновация, мустақил инновация, индекс, интеграл индекс, технологик инновация, жараён инновация, биргаликдаги инновация, худуднинг иқтисодий ривожланганлик даражаси.

Аннотация: В статье рассматривается условия и особенности использования имитационной инновации в малом и среднем бизнесе (МСБ) в Узбекистане. Приводятся основные преимущества имитационной инновации. Анализируются экономический уровень развития регионов на базе определения интегральных индексов, определяются инновационные возможности развития МСБ в регионах.

Ключевые слова: малый бизнес, средний бизнес, инновации, имитационные инновации, независимые инновации, индекс, интегральный индекс, технологические инновации, процессные инновации, совместные инновации, уровень экономического развития региона.

Abstract: The article examines the conditions and features of the use of simulation innovation in small and medium-sized businesses (SMEs) in Uzbekistan. The main advantages of innovation are presented. The economic level of development of regions is analyzed on the basis of the definition of integral indices, innovative opportunities for the development of SMEs in the regions are determined.

Key words: small business, medium business, innovations, innovations, independent innovations, index, integral index, technological innovations, process innovations, joint innovations, the level of economic development of the region.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишда кичик ва ўрта бизнеснинг (КЎБ) муҳим аҳамият касб этиши бутун жаҳонда тан олинган, айниқса ривожланган давлатлар иқтисодиётида КЎБ муносиб ўринга эга ва муҳим сектор ҳисобланади. КЎБ маҳаллий хомашё ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб этади, иш ўринлари яратади, аҳолининг катта қисмини даромад билан таъминлайди, бутун мамлакат ва ундаги ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини белгилайди. КЎБ тармоқ ичида ва бошқа тармоқлар билан интеграцион алоқаларни кучайтиради.

АҚШ да олиб борилган тадқиқотларга кўра КЎБ да, ишчи бошига олиб қараганда, катта бизнесга нисбатан 16 баробар кўп патентлар яратилади [3]. Хитой халқ республикасида (ХХР) патентларнинг 85%, техник янгиликларнинг 75% ва янги маҳсулотларнинг 80% КЎБ га тегишли [2]. Европа Иттифоқи (ЕИ) давлатларида компанияларнинг 99% КЎБ компаниялари, ХХР сида 97%. Ўзбекистонда 2019 йилда 334767 кичик бизнес субъектлари фаолият юритган.

Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик тадбиркорлик икки турга бўлинади: микрофирма ва кичик корхона. Ўзбекистон Республикасида ўрта бизнес тушунчаси мавжуд эмас. Ташкилотларни кичик тадбиркорлик субъектига киритиш Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сонли қарорига кўра ишлаб чиқилган классификацияга асосланади. Ўртача йиллик ишчилар сони 20 нафаргача бўлса, бундай корхоналар микрофирмалар ҳисобланади. Ишчилар сони 279 нафаргача бўлса, булар кичик корхоналар деб қаралади. Биз бу ерда юқори чегаранинг максимал қийматини олдик. Фаолият турлари бўйича юқори чегара шу ораликда ўзгаради.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда корхоналарни микрофирма ва кичик корхоналарга ажратишда ЕИ давлатлари тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ [1]. Чунки бу мезонлар ЕИга кирувчи 28 давлатга тегишли ҳисобланади. Микрофирмаларда ходимлар сони 1-9 нафар, кичик корхоналарда 10-49 нафар ва ўрта корхоналарда 50-249 нафар этиб белгиланиши давлатнинг КУБни қўллаб-қувватлаш сиёсати янада аниқ ва мақсадли бўлишини таъминлайди.

КУБ саноат корхоналарида инновацияларни киритишдан мақсад:

- фойдани ошириш;
- маҳсулот сифатини ошириш;
- маҳсулот таннархини пасайтириш;
- янги маҳсулот турини ўзлаштириш;
- ички бозорда маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш;
- ташқи бозорда маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш;
- хомашё ва материалларни иқтисод қилиш;
- ишчиларнинг иш жойларини яхшилаш;
- заҳарли чиқиндиларни қисқартириш.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, 79 % саноат корхоналари кўпроқ технологик инновацияларни жорий қилишга эътибор беради, ташкилий

инновациялар 29 %, маркетинг инновацияларини жорий қилиш 18 %ни ташкил қилади [1, 454 б.].

Технологик инновациялар маҳсулот ва жараён инновацияларига бўлинади. Маҳсулот инновациясида кўпроқ эътибор технологик жиҳатдан янги ёки модернизациялашган маҳсулот ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга берилади. Албатта, янги маҳсулот коммерциализацияланадиган бўлиши керак,

жараён инновацияларида эса асосан, янги ускуна ва янги технологиялар харид қилинади [1, 454 б.].

КУБда инновацион фаолият билан шуғулланишга бўладиган тўсиқлар қуйидагилардан иборат:

- молия ресурсларининг етишмаслиги;
- инновациялар катта харажатлар билан боғлиқлиги;
- техник базанинг паст даражадалиги;
- кредит фойзининг юқорилиги;
- малакали кадрларнинг етишмаслиги;
- рискнинг юқорилиги ва ҳоказо.

Технологик инновациялар турини ҳар хил нуқтаи назардан қараш мумкин [2, 706].

Ишлаб чиқариш жараёнида технологик ўзгаришларни интенсивлиги бўйича уларни қуйидагиларга ажратиш мумкин: кетма-кет ривожланиб борадиган инновация ва туб инновациялар.

Кетма-кет ривожланиб борадиган инновациялар мавжуд технологияларни модернизациялаш ва такомиллаштириш бўлса, туб инновациялар бутунлай янги технологияни ишлаб чиқиш билан боғлиқ [6].

Ривожланган давлатларда илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга юқори технологик компаниялар товар айланмасининг 5 %дан ортиқроғини сарфлайди, оддий корхоналар 2 %, Хитойда КУБ товар айланмасидан 1 % ажратади. [5] Шу сабабли КУБ корхоналари технологик инновацияларга катта инвестиция қўйиши жуда чекланган.

КУБ корхоналари маълум бир ҳудудда фаолият юритади. Шу нуқтаи назардан, ҳудуднинг иқтисодий ривожланганлик даражаси КУБ инновацион ривожланишига таъсир қилади. Ҳудуднинг ривожланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичларнинг хусусий ва интеграл кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган белгилайди:

Иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳудудлар бўйича хусусий индекслари ва интеграл индекслари қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

$$A_{ij} = \frac{x_{ij}}{y_{ij}}, \quad X_i = \sum_{j=1}^4 A_{ij}, \quad i = 1-15, \quad j = 1-4$$

X_{ij} – i – ҳудуднинг j – кўрсаткичнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи ҳажми;

Y_i – республика бўйича j – кўрсаткичнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи ҳажми;

A_{ij} – i – ҳудуднинг j – кўрсаткич индекси;

$X_i - i$ – ҳудуднинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи интеграл индекс.

Ҳудудларнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичларнинг интеграл индекслари 1-жадвалда келтирилган. Барча кўрсаткичлар бўйича энг юқори ривожланаётган ҳудудларга Тошкент шаҳри (9,9), Навоий (12,89), Тошкент (4,77) ва Қашқадарё вилоятларини киритиш мумкин. Бу ҳудудларга “Локомотив” ҳудудлар деб қараш мумкин. Ўрта даражада иқтисодий ривожланаётган ҳудудлар: Сирдарё (4,3), Бухоро (3,66), Жиззах (3,16 %) вилоятлари. Қолган ҳудудларни паст даражада иқтисодий ривожланаётган ҳудудлар деб қараймиз. Булар: Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм ва Фарғона вилоятлари.

1-жадвал

**Ҳудудни иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодалавчи
интеграл индекс**

		Аҳоли жон бошига ЯИҲМ индекси	Аҳоли жон бошига саноат ҳудудий маҳсулот индекси	Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар ҳудудлар бўйича индекси	Аҳоли жон бошига хорижий инвестициялар ҳудудлар бўйича индекси	Жами, Интеграл индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	1,0	1,00	1,00	1,00	
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	0,65	0,69	0,79	0,64	2,77
	Вилоятлар					
3.	Андижон	0,70	1,08	0,47	0,36	2,61
4.	Бухоро	0,92	0,77	0,91	1,06	3,66
5.	Жиззах	0,73	0,36	1,02	1,05	3,16
6.	Қашқадарё	0,74	0,64	1,28	1,99	4,65
7.	Навоий	2,43	4,57	3,18	2,71	12,89
8.	Наманган	0,55	0,33	0,77	0,74	2,39
9.	Самарқанд	0,64	0,42	0,45	0,28	1,79
10.	Сурхондарё	0,56	0,17	0,83	1,13	2,69
11.	Сирдарё	0,82	0,87	1,29	1,32	4,3
12.	Тошкент вилояти	1,13	1,87	1,03	0,74	4,77
13.	Фарғона	0,58	0,53	0,44	0,37	1,92
14.	Хоразм	0,68	0,48	0,53	0,49	2,18
15.	Тошкент шаҳри	1,92	2,35	2,89	2,74	9,9

Манба: 1-4 жадваллар асосида

Иқтисодий интеграл индекс ҳудудларда саноат ишлаб чиқаришини сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш мумкинлигини билдиради. Қайси ҳудудларда ушбу индекс юқори бўлса, шу ҳудудларнинг сифатли ва рақобатбардош нафақат саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятлари, балки хизматлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш имкониятлари юқори деб айтиш мумкин.

Бу ерда Навоий, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида, айниқса, Тошкент шаҳрида КУБ корхоналарини инновацион ривожлантириш салоҳияти юқори деб қараш мумкин. Бу ҳудудларда КУБ инновацион фаолиятни ривожлантиришда имитацион инновациялардан фойдаланиш самарали йўл деб қараш мумкин, айниқса Тошкент шаҳрида, чунки илмий-тадқиқот институтларининг 90% ва ОТМларининг қарийиб 40% Тошкент шаҳрида жойлашган. Ўрта даражада иқтисодий ривожланган ҳудудларда ҳам юқори иқтисодий, саноат ва маълум даражада инновацион салоҳиятга эга бўлган КУБларни инновацион ривожлантиришда имитацион инновациялардан фойдаланиш яхши натижа беради. Паст иқтисодий ривожланган ҳудудларда КУБни манзилли қўллаб-қувватлаш асосида ишлаб чиқариш салоҳиятига қараб жамият учун устувор бўлган соҳаларда махсус дастурлар асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

1. Буланова Е.В., Соменкова Н.С., Ягунова Н.А. Формирование стратегии развития малого инновационного предприятия промышленного комплекса. // Журнал «Вопросы инновационной экономики». Том 9. № 2. Апрель-июнь, 2029.
2. Инновационное предпринимательство в Китае. // Фундаментальные Исследования, 2018. - №10 – с.74-78 (электронный ресурс), <https://www.fundamentalresearch.ru/ru/article/view?id=42283>
3. Титов. Б. Сектор малого и среднего предпринимательства: Россия и Мир. Институт экономики роста им. Столыпина П.А. июль, 2018. Электрон ресурс, <http://stolypin.institute/novosti/sector-malogo-i-srednego-predprinimatelstva-rossiya-i>
4. Ўзбекистон республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, 2019 йил. Т. 2020 й
5. Портяков В.Я. Превращение Китая в мощнейшую державу мира и прогноз возможных геополитических последствий. // Глобальная экономика и жизнеустройство на пороге новой эпохи. М.: Анкил, 2012. – 384 С.
6. Harman, A. The international computer industry. Innovation and comparative advantage / A. Harman. – Harvard University Press Cambridge, Massachusetts, 1971. – 81 P